МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН
ЖАМИЯТИ ШАКЛИДАГИ
«ZIYO–AUDIT»
АУДИТОРЛИК ТАШКИЛОТИ

АУДИТОРСКАЯ ОРГАНИЗАЦИЯ
ОБЩЕСТВО С ОГРАНИЧЕННОЙ
ОТВЕТСТВЕННОСТЬЮ
«ZIYO–AUDIT»

**«Уз-СэМюнг Ко» Узбекистон- Корея кушма корхонасининг 2015 йил учун тузилган молиявий хисоботи буйича утказилган аудиторлик текширув натижаларига**

# ИЖОБИЙ АУДИТОРЛИК ХУЛОСА

Реквизитлар: Масъулияти чекланган жамият шаклидаги «ZIYO-AUDIT» аудиторлик ташкилоти, 170120.Андижон шахри, Навоий шох кучаси 87-уй. х/р.20208000503781766001 ТИФ «Миллийбанк» Андижон шахар булими, МФО 00074, ИНН 202 554 997, ОКОНХ 84400, тел.0(374) 223 19 22
Узбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 2008й 30 январда берилган 00211-сонли лицензияси
Узбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2007 й 11 апрелда берилган 479-сонли гувохнома

Масъулияти чекланган жамият шаклидаги «ZIYO-AUDIT» аудиторлик ташкилоти аудитори Бурхонов Зафар Фуркат угли (Молия Вазирлигининг 2014 йил 23 октябрда берилган 05264-ракамли аудиторлик малака сертификати эгаси) томонидан «Уз-СэМюнг Ко» Узбекистон-Корея кушма корхонаси билан тузилган шартномага асосан жамиятнинг 2015 йил 1 январдан 31 декабргача булган даврдаги молиявий-хужалик фаолиятининг натижалари акс эттирилган молиявий хисоботлари аудиторлик текширувидан утказилди.

Аудит утказиш учун корхона томонидан куйидаги хужжатлар такдим этилган. Молиявий хисоботлар: 1-шакл «Баланс», 2-шакл «Молиявий натижалар тугрисида хисобот», 4-шакл «Пул окимлари тугрисида хисобот», 5-шакл «Хусусий каптал тугрисидаги хисобот» ва унинг иловалари хамда бухгалтерия бошлангич хужжатлари, журнал ордерлар, хамда давлат органларига топширилган хисоботлар.

Текшириш учун такдим этилган хисоботларни тайёрлаш ва бошлангич хужжатларнинг хакконийлиги ва тугрилиги буйича масъулият корхона рахбарияти ва бош хисобчиси зиммасига юклатилган.

Бизнинг вазифамиз текшириш учун такдим этилган хужжатлар маълумотлари асосида жамият томонидан 2015 йил мобайнида амалга оширилган молиявий-хужалик муомалаларини бухгалтерия хисобида тулик ва тугри акс эттирилганлиги, бухгалтерия утказмалари тугрилик даражаси ва хисоб варакалар колдикларининг хакконийлиги тугрисида хамда молиявий хисоботларда корхона молиявий-хужалик фаолияти натижаларининг хакикий холати акс эттирилганлиги тугрисида фикр билдиришдан иборат.

Текшириш Узбекистон Республикасининг амалдаги конунлари, Бухгалтерия хисоби ва аудитнинг миллий андозлари асосида утказилди.

Ушбу андозаларга мувофик аудиторлик текшируви молиявий хисоботлар жиддий моддий бузилишларга эга эмаслигига етарли даражада ишонч хосил килиш максадида утказилиши лозим.

Биз томонимиздан утказилган мазкур текшириш корхонанинг молиявий-хужалик фаолияти ва молиявий хисоботлари тугрисида етарлича фикр билдириш учун асос була олади.

Текшириш натижаларига асосланиб, «Уз-СэМюнг Ко» Узбекистон-Корея кушма корхонасининг 2015 йил учун тузилган молиявий хисоботи, унинг молиявий ахволини хакконий акс эттиради ва мазкур хужалик юритувчи субъект амалга оширган молиявий ва хужалик операциялари Узбекистон Республикаси Бухгалтерия хисоби конун хужжатларининг талабларига мувофик келади деб хисобланади.

Андижон ш, 2016 йил 30 апрель.

**МЧЖ шаклидаги «ZIYO-AUDIT»**
**аудиторлик ташкилоти рахбари:** **Бурхонов З.Ф.**